

Маълумки, истиклол берган неъматлар сирасига хорижий тилларни ўрганиш, чет элларга чиқиш ва хорижий юртларда ўша элнинг она тилида сўзлашиш имконияти ҳам қиради. Мустақиллик йилларига келиб юртимизда хорижий тилларни ўрганишга эътибор кучайди. Бу саъй-харакатлар самараси ўларок, ёшларимиз орасида чет элликлар билан мулоқот қила оладиганлар кўп. Аммо табиийки, хорижий тилларни ўрганиш борасида баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Адабиётшунос Зухриддин Исомиддинов билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланади.

- Устоз, нима деб ўйлайсиз, ҳозирги кунга келиб тил ўрганувчиларнинг асосий мақсади бизнес қилиш, ўрганмоқчи бўлган хорижий тилида сўзлашадиган давлатлардаги ишбилармонлар билан мулоқот қилиш бўлиб қолмаяптими? Тил ўрганишдан асосий мақсад нима бўлиши керак ўзи?

– Хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш бугун ҳар қачонгидан ҳам ортгани чин. Бунинг бош сабаби - мустақиллик туфайли барча чет давлатлар билан мулоқот қилишга йўл очилди, яна бир омил эса ахборот алмашиш қўлами ва суръати тобора ортиб, мамлакатимизнинг умумдунёвий глобаллашиш доирасига тортилиб бораётгани бўлди. Аслида, тил ўрганиш ҳамиша муҳим саналган. Фарқи - аввалги замонларда яқин тевақалдаги халқларнинг тилларини ўрганиш кенг ёйилган бўлса, ҳозир олимлар-яқинми, бундан катъи назар, иқтисодий жihatдан энг ривожланган миллатларнинг тилини ўрганиш урф бўлди. Ҳозир чет тилларни ўрганишга кенг йўл очилди. Аввал асосан пединститутларнинг инглиз, олмон ё француз тили факультетларида бу тиллардан таълим берилган бўлса, ҳозир тиллар бўйича бир неча олий ўқув юртлари очилиб, ўнлаб хорижий тиллар ўрганиляпти. Энг қувонарли томони - илғари мактабда бояғи тилларни харчанд ўрганмайлик, бехуда кетар эди: айтайлик, инглиз тилини унча-мунча ўзлаштирган бола нари борса бирон пединститутнинг шу тил бўйича факультетига ўқишга қирар, уни битиргач, мактабга бориб, яна болаларга шу тилни ўргатар... шу тариқа, худди доиранинг ичида юрган олмахон қанча чопса ҳам, бир жойда турганидек, чет тилини ўрганиш бехуда бир машғулот қаторида эди. Масалан, менга ҳам мактабда беш йил чет тилини ўргатишган, аммо ҳозир бу тилни, бир инглиз ўзбекчани қанча билса, шу даражада билман, ортик эмас.

Ҳозир эса тил билишнинг амалий фойдасини ҳамма кўриб турибди. Албатта, фойда дегани кенг тушунча. Шахсий фойда, жамоат ва жамият фойдаси қаби. Агар чет тилини ўрганиш фақат у ёки бу кишининг шахсан наф қўриши учун бўлса, давлатнинг оламжаҳон маблағ сарфлаб, минглаб талабаларни ўқитишига ҳожат бўлмасди - қимга керак бўлса, марҳамат, имконини топса, ўрганиб олаверсин эди. Чет тилларни ўқиш ва ўқитиш биринчи навбатда умумдавлат аҳамиятига молик иш. Қимқи бунга фақат шахсий манфаат нуктаи назаридан ёндошса, кўрадиган фойдаси ҳам шунга яраша бўлади - икки одам ўртасида тилмочлик қилиб, чойчақа топади, вассалом. Хорижий тилни ўрганишнинг ўзи мақсад эмас, восита деб ҳисобланиши лозим. Уни ўрганиш орқали киши аввало мамлақати, халқи учун оздир-қўпдир наф етказишга бел боғласин. Мақсад қаттарок қўйилиши керак, демокчиман. Шифокор бўлиб, тиббиётнинг муҳим бир муаммосини хал қиламан, шу орқали эл-юрт қорига ярайман, деган ниёт билан билим олган талаба қандай мутахассис бўлиб етишади-ю, шу қасбдан тирикчилик ўтказаман, деб ўқиган бола қанақа шифокор бўлади - фарқи ўзингизга аён. Чет тили мутахассиси бўлиш борасида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Масалан, таржима қилиш, эл-юртини жаҳон адабиёти ва

илм-фанининг энг сара намуналаридан бахраманд килиш шунинг бир мисоли...

- Таржимани тилга олганингиз учунми, ёдимга тушди: бир таржимон, киши хорижий тилни яхши ўрганиш учун аввало ўз тилини мукамал билмоги шарт, деган эди.

- Мен буни сал бошқача талкин этган бўлардим. Тил ўрганмокчи бўлган кишида бунга тугма мойиллик бўлиши лозим. Созанда ё бастакорга мусикий укув канчалик шарт бўлса, шу сингари, чет тилини ўрганишга бел болаган кишидан ҳам тил ўрганиш кобилияти талаб килинади. Ундай кобил одам эса, аввало она тилини яхши билиши турган гап.

- Аммо шундай одамлар ҳам бор-ку: ўз она тилини унча яхши билмаса-да, бошқа бир тилни жуда яхши ўрганиб олишган? Ё уларнинг кобилияти ажнабий тилни ўрганишга мойилрокмикин?

– Йўк. Паспортига кўра ўзбек, аммо бу тилда аранг гўлдираб, рус тилини койиллатадиганлар тоифасини кўзда тутаетган бўлсангиз, ундайлар учун она тили - рус тили, ўзбек тили эса... иккинчи бир тил, холос.

Аммо мени шу саволингизга тегишли бошқа бир масала кўпрок ўйлантиради. Эътибор килганмисиз, чет тилини ўрганишда бизда бир ишқаллик бор. Яъники, москвалик бир ўрис бола билан тошкентлик бир ўзбек бола, айтайлик француз тилини, кобилиятлари бир хил бўлгани холда, олти йил ўрганадиган бўлса, москвалик бола ўша ажнабий тилни яхширок эгаллаб олган бўлади - бу тилда бемалол гаплашади, хат ёза олади ва хоказо. Бизникилар эса бу даражага етиши учун камида институтни битириши керак...

– Нега, ахир бизда ҳам хорижий тилларни койиллатиб ўрганиб, чет эллардаги тил кўрикларидан совринлар олиб кайтаётган ёшлар бор-ку?

– Борликка бор, йўк эмас. Аммо мен айрим фавкулудда истеъдодли ва санокли микдордаги одамларни эмас, кўпчиликни назарда тутяпман-да.

– Хўп, борингки шундай бўлса, бунинг сабаби нимада? Ёки фарзандларимизда тил ўрганиш лаёкати сустрокими?

– Аксинча. Бизнинг болаларимизда билимга интилиш кучлирок ҳам. Аммо, лекини бор. Гап шундаки, ўша француз тилини ўрганишда ўзбек боласи олдида бир сунъий тўсик мавжуд. Бояги масковлик бола француз тилини иккинчи тил сифатида (рус тили+француз тили) ўрганса, бизнинг ўқувчилар олдида мукаррар равишда «иккинчи она тилимиз» - рус тилини ўзлаштириш ҳам бор. Яъни, ўзбек тили+рус тили+француз тили. Демак, бу холда француз тили - учинчи тил дегани. Москвалик бола французча билан бир вақтнинг ўзида хитойчани ҳам ўрганиб кўрсин-чи, холи нима кечаркин? Ана энди коракалпок ўқувчиси учун француз тили тўртинчи тилга айланади, Коракалпогистондаги козок мактаб ўқувчиси учун-чи? Одамнинг имконияти чексиз эмас, ҳамма ҳам полиглот бўлиб тугилавермайди. Хатто энг ривожланган мамлакатлар, масалан, Япония ё Германиядаги ахолининг ҳам қарийб тўксон фоизи фақат ўз она тилидангина хабардор. Чунки мамлакатнинг тараккий этиши ахолининг кўп тилни билишига бевосита боғлиқ эмас. Тил билиш, албатта, фазилат, аммо у мажбуриятга айлантирилмаслиги керак. Энди, фарзандларимиз чет тилини яхши ўрганиши учун мен бир нарсани таклиф килган бўлардим. Тажриба тарикасида бир неча мактабда рус тилини иккинчи тил сифатида, яна бир неча мактабда инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш мумкин. Ахир, рус тили ҳам - чет тили, олмон тили ҳам. Она тилидан ташқари яна битта чет тилини ўрганса, бола кўнгилдагидек натижага эришиши осон кечади. Бир вақтнинг ўзида - тўрт-беш йилнинг ичида икки-учта чет тилини аралаш забт этиш... амри махол, менимча. Бу холда рус тилини ўрганиш ҳам ора йўлда қолади, хорижий бирон тилни ҳам. Иккита чет тилини - бирини чала-чулпа, иккинчисини эса фақат номига билгандан кўра битта хорижий

тилни койиллатиб ўрганган яхши эмасми?

– Шу ўринда ўзимни анчадан бери ўйга толдирган бир гап: бошқа тилни ўрганаётган кишини ўша тилнинг грамматикаси қийнайди. Сизнингча, тил билиш учун сўзлашиш муҳими ёки грамматикани ўрганиш?

– Биз она тилини ота-онамиздан, ака-опалар, хуллас, атрофдаги одамларнинг гап-сўзидан ўрганганмиз. Беш-олти яшар чоғимиздаёқ нуткимиз бурро бўлган эди. Маълум бўладики, тил ўрганиш учун жонли тил мухити бўлиши керак экан. Мухит бўлмаса, тил ўрганиб бўлмайди. Афсус, нафакат чет тили, хатто она тили дарсларида ҳам яланг грамматикадан таълим берилади - жонли тил бир бутун, тирик холда эмас, гўё сўйиб майдалаб, оёқ, буйрак, пайлар, суяк каби грамматик парчалар холида ўкитилади. Яъни, олмошу равиш, аникловчи, хол, эргашган кўшма гапнинг фалон тури... аммо зинхор нутк эмас. Жонли нутк - мана шу энг муҳим нарса она тили дарсларида ўргатилмайди. Албатта, грамматика ҳам керак, аммо алгебра арифметикадан кейинги бир босқич бўлганидай, боланинг нутки етарли даражада камол топган: фикрини эркин сўзлаб, коғоз бетига бехато иншо қила оладиган даражага етганидан кейин ўргатилса дурустрок бўларди. Ахир ўзингиз ўйланг, юзлаб грамматик коидани сув қилиб ичиб юборган бир талаба ота-онасига чиройли бир мактуб ёзишни эплай олмаслиги, тўртта одам олдида фикрини ифода қила олмай қолиши мумкин-ку? Чет тилини ўргатиш борасида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Шунинг учун бизда чет тили ўқитувчиси қўп, аммо чинакам чет тили мутахассиси нисбатан кам.

Албатта, хорижий давлатда бир ой бўлган одам бу тил грамматикасини бир йил ўқиган одамга қараганда кўпроқ ўрганади. Ана шуни тил мухитининг таъсири, деймиз. Табиий, бу ерда биз айтган муҳитни мукамал равишда барпо қилишнинг иложи йўқ. Шундай экан, унинг ўрнини қоплаш учун бу тилдаги адабиёт кенг ўқитилиши керак. Чунки бадиий адабиётда шу халқнинг дили акс этади, тилни ўрганишда эса бунинг ахамияти жуда катта. Ахир, ўзингиз ўйланг, олмон тилини бир нави ўрганган бўлсангиз, аммо бу тилда ижод қилган Гёте, Шиллер, Томас Манн каби ўнлаб дунё адабиёти классиклари асарларини уларнинг она тилида ўқимаган бўлсангиз, сизни олмон тилини билади, деб бўладими?...

— Мулохазаларингиз ўринли, устоз... Қанийди, орамизда сизу биз кўзда тутган мақсадни юрагига жо айлаган ёшлар қўпайса. Хорижий тилларни фақатгина моддий даромад топиш учун эмас, ўша тилда сўзлашадиган миллатнинг бой маданий, маърифий-маънавий меросидан намуналар ўрганиш учун ўзлаштиришса. Бу айтиш қўпчиликнинг қўнғлидаги муддао бўларди.

Умида АЗИЗ суҳбатлашди.